



## КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

*Абдуллаев Мирфозил Мирмахсудович,*

*мустақил тадқиқотчи*

*Email: [abdullaevmirfozil@mail.ru](mailto:abdullaevmirfozil@mail.ru)*

## PROBLEMS OF ENSURING SUSTAINABLE DEVELOPMENT AND INCREASING EFFICIENCY OF SMALL BUSINESS ENTITIES

*Abdullaev Mirfozil Mirmaksudovich,*

*independent researcher*

*Email: [abdullaevmirfozil@mail.ru](mailto:abdullaevmirfozil@mail.ru)*

### **JEL Classification:** O1, O12

**Аннотация:** Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириши масалалари, шунингдек, иқтисодий салоҳиятимизни янада ривожлантиришида кичик бизнеснинг ўрнини белгилаб беради. Кичик бизнесни ривожлантириши бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибани таҳлил қилиб, йирик бизнес билан таққослаганда маҳаллий иқтисодий шароитларга тезроқ мослашиши, кичик бизнес субъектлари ҳаракатларининг мустақиллиги, қарорларни қабул қилиши ва амалга оширишида мослашувчанлик ҳамда самарали фаолиятни амалга оширишида нисбатан паст харажатлар, шахснинг ўз гоёларини рўёбга чиқариши қобилиятларини намоён этиши учун ажойиб имкониятнинг мавжудлиги, бошланғич капиталга бўлган эҳтиёжнинг пастлиги ва маҳаллий бозорларнинг талабларига жавобан маҳсулотлар ишлаб чиқариши жараёнларида ўзгаришларни тезда жорий этиши имконияти каби афзалликлари акс эттирилган. Бундан ташқари мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётнинг ривожланишида тутган ўрни, унинг тармоқлар кесимида

ривожланиши тенденциялари тадқиқ этилган. Тўпланган хорижий ва маҳаллий тажрибаларни умумлаштирган ҳолда келгусида мазкур секторни янада ривожлантириши борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Abstract:** Issues of small business development in Uzbekistan, as well as determine the place of small business in the further development of our economic potential. Analyzing the foreign and domestic experience of small business development, faster adaptation to local economic conditions compared to large business, independence of actions of small business entities, flexibility in decision-making and implementation, and relatively low costs in the implementation of effective activities, demonstrating the ability of a person to realize his ideas. advantages such as the presence of an excellent opportunity to achieve, low initial capital requirements and the ability to quickly introduce changes in the production processes of products in response to the requirements of local markets are reflected. In addition, the article examines the role of small business and private entrepreneurship in the development of the national economy, as well as the development trends of its branches. Summarizing the

*collected foreign and local experiences, suggestions and recommendations were developed for the further development of this sector in the future.*

**Калит сўзлар:** *кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, самарадорлик, барқарор ривожланиш, тараққиёт стратегияси, мослашувчанлик, прогнозлаш*

**Key words:** *small business, private entrepreneurship, efficiency, sustainable development, development strategy, flexibility, forecasting*

**Кириш.** Ҳозирги глобаллашув шароитида иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, улардан энг муҳими кичик бизнесни ривожлантиришдан иборат бўлиб бормоқда. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг мақбул йўли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва уни истиқболга ишонч билдириш бўлиб, шу боис Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, бошқа кўпгина мамлакатлардаги кичик корхоналардан ажратиб турадиган баъзи хусусиятларга эга.

Уларнинг энг муҳимлари битта кичик корхона ичида бир нечта фаолият турларини бирлаштириш (касаначилиқ фаолияти орқали), кичик бизнес субъектларининг кўплаб қисмини ўз биноларига эгаллик қилиши (тадқиқотларга кўра, ҳозирги кунда 61,4 фоизда), аксарият ҳолларда битта маҳсулотни ишлаб чиқиш моделига эътибор қаратилмаслиги, корхоналарнинг кўпроқ қисмини (инновацион салоҳиятга боғлиқлигига қарамай) паст техник даража ва паст технологик ускуналарга

қарамлиги ва бошқа яна бир қатор хусусиятларни келтириш мумкин.

Жаҳон амалиёти кўрсатганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда муҳим рол ўйнайди ва барқарор ривожланишига ҳисса қўшади, чунки у маълум афзалликларга эга. Кичик бизнесни ривожлантириш бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибани таҳлил қилиб, йирик бизнес билан таққослаганда маҳаллий иқтисодий шароитларга тезроқ мослашиши, кичик бизнес субъектлари ҳаракатларининг мустақиллиги, қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишда мослашувчанлик ҳамда самарали фаолиятни амалга оширишда нисбатан паст харажатлар, шахснинг ўз ғояларини рўёбга чиқариш қобилиятларини намоён этиш учун ажойиб имкониятнинг мавжудлиги, бошланғич капиталга бўлган эҳтиёжнинг пастлиги ва маҳаллий бозорларнинг талабларига жавобан маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида ўзгаришларни тезда жорий этиш имконияти каби афзалликларни таъкидлаш мумкин.

Кичик бизнеснинг рақобатбардошлиги, биринчи навбатда, кичик бизнесда мавжуд бўлган муҳим салоҳият билан изоҳланади ва бу корхоналар ҳамда мижозлар ўртасидаги муносабатларнинг персонификацияланган хусусияти, мулкчилик бирлиги ва корхона бевосита бошқариш каби сифат хусусиятлари билан боғлиқ. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳатто энг юқори даражада ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ҳам, бу ерда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бутун тармоқларини монополлаштиргандек кўринадиган улкан корхона ва корпорациялар мавжуд бўлиб, ялпи маҳсулотнинг асосий қисмини кўп сонли кичик ва ўрта корхоналар яратади.



Улар иқтисодийнинг  
мослашувчанлиги ва  
динамиклигининг кафолатлари,  
аҳолининг иш, иш ҳақи ҳамда ижтимоий  
хизматларга бўлган эҳтиёжларини  
қондирадиган такрор ишлаб чиқариш  
тузилмасини доимий равишда сошлаш ва  
сақлашнинг кучли воситасидир. Кичик  
бизнесни иқтисодий хатти-  
харакатларнинг махсус ижодий тури деб  
таснифлаш мумкин. Бу маълум бир хавф  
билан бир вақтда боғлиқ бўлган  
тадбиркорлик руҳи ва фаол ижодий  
фаолият билан тавсифланади. Кичкина  
корхоналарда бундай атмосферани  
яратишга эгаси ва менежернинг бир  
кишидаги комбинацияси ёрдам беради.  
Кичик бизнеснинг муҳим афзаллиги,  
унинг самарадорлигини таъминлаш,  
ишчиларнинг ўзаро алмашинувидир.  
Ходимлар ўртасидаги функцияларнинг  
маълум бир чеклови билан кичик бизнес  
ва хусусий тадбиркорлик ўзаро ёрдам  
ҳамда бир-бирларини қўллаб-қувватлаши,  
агар керак бўлса, такрорлаш ва  
алмашинуви билан тавсифланади.

**Материал ва метод.** Кичик бизнес  
ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини  
ўрганишда чет эл олимларидан  
Д.Рикардо, А.Смит, Р.Кантилсон,  
А.Тюрго, Ф.Кене ва Ж.Босей, Ж.Б.Сей,  
А.Маршалл, В.Замбрамб, Й.Шумпетер,  
Ф.Нойт, А.Смит, Ж.Кейнс, В.Стаффорд,  
Дж Лоу, Г.Скаруффи, У.Петти,  
Д.Рикардо, А.Мишель, Дж.Роулс,  
В.Репке, О.В.Воронкова, Фон Дер Леппе  
ва бошқа иқтисодчи олимлар илмий  
тадқиқот ишларини олиб борганлар.

МДХ давлатлараро ташкилотга  
аъзо давлатларнинг етук омиллари  
Л.О.Рамашова, У.В.Петров, С.Г.Качаева,  
О.В.Киселева, С.В.Карцев,  
О.И.Образцова, Я.Д.Ширияева кичик  
бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига  
ўз ҳиссаларини кўшганлар.

Миллий иқтисодийтимизда кичик  
бизнес ва хусусий тадбиркорлик  
фаолиятини ўрганишда  
мамлакатимизнинг етук олимлари илмий  
изланишлар олиб боришган. Улар ўз  
асарларида кичик корхоналарга таъсир  
этаётган омилларни чет эл тажрибасидан  
келиб чиққан ҳолда, кичик корхоналар  
ривожини ҳуқуқий асослаб беришган. Бу  
йўналиш бўйича С.С.Ғуломов,  
М.Р.Болтабоев, М.С.Қосимова,  
Ш.Ж.Эргашходжаева, А.Н.Самадов,  
Ш.Отажонов, Х.Хамроев, Э.Эгамбердиев,  
Х.Д.Хўжақулов ва бошқа иқтисодчи  
олимлар кўпгина илмий тадқиқот  
ишларини олиб борганлар. Аммо айнан  
мавзу доирасида кичик бизнес  
субъектларининг барқарор  
ривожланишини таъминлаш ва  
самарадорлигини ошириш муаммолари  
ҳамда уларни бартараф этишга  
қаратилмаганлиги танланган мавзунинг  
долзарблигини ифода этади. Мақолада  
статистик кузатиш, гуруҳлаш усуллари,  
график, жадвал ва мантиқий усуллардан  
фойдаланган ҳолда соҳа муаммолари  
ўрганилиб, уларни бартараф этишда  
мушоҳада усулларида фойдаланилган.

**Натижалар.** Кичик бизнес ва  
хусусий тадбиркорликнинг муҳим  
устунилиги - бу маълумот узатилишининг  
юқори тезлиги. Бу менежер ва ходимлар  
ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа билан  
қамраб олинadиган маълумотларнинг  
кичиклиги билан боғлиқ. Яъни,  
корхонанинг кичиклиги унга нисбатан  
кам бошқарув харажатлари билан яхши  
бошқарувни таъминлайди. Ниҳоят, шуни  
таъкидлаш керакки, кичик бизнесни  
ташкил этиш, қоида тариқасида, асосий  
фондларга катта маблағ сарфлашни талаб  
қилмайди. Ушбу афзаллик кўплаб  
бошланғич тадбиркорларни жалб қилади  
ва махсулотлар, ишлар ва хизматлар  
нархига ижобий таъсир кўрсатади.



Албатта, шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижобий афзалликлари билан бирга бир қатор камчиликлари ва муаммолари ҳам мавжуд жумладан:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ташқи муҳит таъсирига боғлиқлиги юқори даражадаги хавфни вужудга келиши ва инқирозга юз тутиш эҳтимолининг тезлиги;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ажратишлари мумкин бўлган капитални тўплаш имкониятининг пастлиги;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси чекланган бўлиб, капитал талаб қиладиган ҳамда фанни талаб қиладиган соҳаларга кириб бориш ушбу соҳа учун қийинлик туғдиради;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда маҳсулотлар ассортименти чекланганлиги ва катта ишлаб чиқариш билан рақобатлашиш имкониятининг йўқлиги маркетинг хизматларини, дилерлик тармоғини ташкил қилишни қийинлаштиради.

Тажрибалар шундан далолат берадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аксарият муваффақиятсизликлари менежерларнинг тажрибасизлиги ёки субъект эгаларининг касбий лаёқатсизлиги билан боғлиқ. Тадқиқот давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, қобилиятсизлик уларнинг муваффақиятсизликларининг асосий сабаблари сифатида аниқланган. Шунга қарамай, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар фаолияти энг катта даражада маҳаллий эҳтиёжларни қондиришга, минтақани ривожлантиришга ҳамда маҳаллий даражада ижтимоий-иқтисодий

муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилганлигини ёдда тутиш керак.

Бу, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятини ҳам оширади. Республикада иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиши билан кичик бизнес бозор муносабатларини шакллантиришнинг тобора муҳим омилига айланмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги кунда миллий иқтисодиётда кичик бизнеснинг салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаётганлигини таъкидлаш лозим.

Бунга, биринчи навбатда, аҳоли сонига нисбатан кичик бизнес субъектларининг озлиги далолат беради. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида 2020 йилда фаол кичик корхоналар (411203 та)нинг умумий корхоналар (475197 та) таркибидаги улуши-86,5 % (ўтган даврга нисбатан 2,45 % ошган). Россия Федерал Солиқ хизмати маълумотларига кўра, 2020 йилда бу кўрсаткич 56,9 % [34] ва пандемия иқтисодиёти асосан кичик бизнес ва хизматларга асосланган мамлакатларга катта зарар етказди. Бу борада 2019 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлар учун ушбу улуш 55% дан юқори, Бразилияда - 50,2, АҚШда - 48, Канадада - 30% [35]. 2020 йилнинг шу даврига нисбатан пандемия таъсирида 11,3 фоизга, Буюк Британия 20,8 фоизга, АҚШ эса 31,4 фоизга тушиб колди [36].

Иккинчидан, унинг аҳамиятсиз иқтисодий роли. Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпи ва иқтисодиётда бандларнинг тўртдан уч қисми кичик бизнес вакиллари ҳисобига тўғри келади. Столыпин ўсиш иқтисодиёт институти маълумотларига кўра, 2020 йилда Россия



кичик ва ўрта бизнес секторининг ЯИМда ўртача улуши 48% ни, тармоқда бандлар сони 15,5 млн. Кишига [37], Европа Иттифоқидаги барча корхоналарнинг 90 фоизини ва сўнгги беш йилда янги иш ўринларининг 85 фоизга яқини таъминланди, шунингдек, минтақада хусусий сектор иштирокининг умумий ҳажмининг учдан икки қисми таъминланди [38].


Учинчидан, иқтисодиётнинг кичик бизнес шакллари билан тўйинганлиги. Давлат статистика қўмитаси мавъалумотларига кўра, 2021 йилда фаол корхона ва ташкилотлар сони 41,1 (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) [10] млн. тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич 8242 тага ошди ва ўсиш суръати 128,3 фоизни ташкил этди. Агар Ўзбекистон Республикасида 34,5 млн. нафар аҳоли сонига нисбатан оладиган бўлсак, бу кўрсаткич ҳар минг кишига нисбатан 12 тага яқин тўғри келишини аниқлаш мумкин. Европа Иттифоқида 23 миллиондан ортиқ кичик ва ўрта корхоналар мавжуд бўлиб, уларда иш билан банд бўлганлар сони қарийб 70 фоизни ташкил этади, бу умумий товар айланмасининг 57 фоизини ва қўшимча қийматнинг 53 фоизини ташкил этиб, минг аҳолига ўртача 40 та кичик корхона тўғри келади. Чехияда кичик ва ўрта корхоналар 4,7 баравар, Швецияда - 3,4, Испанияда - 2,7, Полшада - 2,1 баравар кўп [39].

Тўртинчидан, кучсиз турларнинг фарқланиши ва янги техник -технологик қолақлик миллий иқтисодиётда кичик бизнес вав хусусий тадбиркорлигининг хусусиятлари бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда саноатда ишлайдиган кичик корхоналарнинг улуши унчалик катта эмас. Кичик корхоналарнинг катта улуши кичик бирлашмалар билан ифодаланади, кичик ишлаб чиқариш тармоқларидаги,

банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши ташкил қилади [9].

Бешинчидан, ҳудудлар бўйича кичик бизнес субъектларининг нотекис тақсимланиши. Агар ҳудудлар бўйича кўрадиган бўлсак, ҳар 1000 аҳолига нисбатан олганда энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида (28,8 та), Навоий вилоятида (18,1 та), Сирдарё вилоятида (17,9 та), Жиззах вилоятида (15,6 та), Тошкент ва Бухоро вилоятларида (14,9 та), Фарғона вилояти (12,2 та) кузатилади. Бу ўз навбатида бизнесни тўхтатиш ва ҳатто кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун инфратузилманинг етишмаслик хавфини оширади. Тадбиркорлик муаммоларини тизимли тадқиқ этиш миллий институти мутахассисларининг фикрига кўра, инкироз шароитида тадбиркорлар ноқонуний кредит бозорларидан қарз маблағларини йиғмоқдалар, чунки қонуний кредит бозорида кредит хизматларидан фойдаланиш имконияти чекланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини самарадорлигини оширишда яна бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улардан бошқарув даражасини пастлиги, билим, тажриба ва бозор муносабатлари маданиятининг етишмаслиги натижасида янги ташкил этилган корхоналарни кўп вақт ўтмасдан ёпилиши кутилади (1-расм).




**1-расм. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар сони**

1-расм маълумотларидан кўринадикки, 2014 йилда янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларига нисбатан 77,3 % тугатилган бўлса, 2021 йилда эса бу кўрсаткич 10,6 %га тушди. Бу ўз навбатида, мамлакатда ишбилармонлик мухитини ривожланганлиги ва бизнесни юритиш шарт-шароитларини кенгайтирилгани, эркин бозор иқтисодиёти талабларига ҳамда корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомойилларнинг барча турларини қисқартириш бўйича ислохотларни

амалга оширилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

**Мунозара.** Кичик бизнесни ривожлантириш дунёнинг ҳар бир мамлакати иқтисодиёти учун долзарб бўлиб, кичик бизнеснинг асосий вазифаси - иш ўринлари яратиш ва мамлакат ялпи ички маҳсулотини оширишдан иборат. Янги ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар дуч келадиган тадбиркорликнинг асосий ва долзарб муаммолари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин (2-расм).



**2-расм. Тадбиркорликнинг асосий ривожланиш муаммолари<sup>1</sup>**

Кичик бизнеснинг эркин ўзини ўзи ривожлантириш учун шароит яратиш учун давлат ҳокимияти кичик бизнеснинг

жадал ривожланишига тўсқинлик қиладиган юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этишга

<sup>1</sup> Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси



мажбурдир. Маълумки, агар биз бир вақтнинг ўзida лицензияланадиган фаолият турларини камайтириш билан бирга лицензиялаш хусусиятидан уларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш тамойилига ўтсак, кичик бизнес субъектлари сонининг ўсишини рағбатлантириш мумкин.

Истеъмол бозоридаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат ижтимоий муаммоларни ҳал қилади (фуқаролар учун иш ўринлари яратади), балки харидорларга индивидуал ёндашувни, маҳсулот ихтисослашувини таъминлайди ва ишлаб чиқарувчилар учун савдо каналидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, истеъмол бозори бизнеснинг савдо соҳасидаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, турар-жой маҳаллаларини, жамоат транспорти лойиҳаларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш ҳамда ярмаркаларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш йўналишларида ривожлантириш мумкин.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун фикрмизча, субъектлар ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатиш лозим. Бу ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишончли шериклик

муносабатлари, давлат институтлари ва бозорга бўлган ишончнинг ошишига олиб келади. Албатта, субъектларнинг кооперация алоқаларини ташкил этиш мураккаб жараён бўлиб, деярли бир хил сабабларга кўра кичик ва йирик корхоналар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш жуда қийинчиликлар билан амалга оширилади.

**Хулоса.** Кичик бизнес бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб, бу махсус ҳаракатчанлик, мослашувчанлик ва юқори самарадорлик билан ажралиб туради. Кичик бизнеснинг ривожланиши иқтисодиётдаги ижобий жараёнларнинг ривожланишига, жамиятни демократлаштиришга, халқаро майдондаги сиёсий вазнининг ошишига ёрдам беради, бу эса ўз навбатида давлатга нафақат сиёсий, балки иқтисодий дивидендларни ҳам келтириб чиқаради. Кичик бизнеснинг кўплаб характерли хусусиятлари одатдаги бозор муносабатлари ва умуман хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган асосий муаммолар билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун яқин келажакда кичик бизнесни жадал ва самарали ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

### Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сонли Фармони - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



4. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сонли Фармони - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. “Германия тараққиёт банки иштирокида «Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.11.2021 йилдаги ПҚ-9-сонли қарори - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.12.2021 йилдаги ПҚ-55-сонли қарори - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
7. “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.01.2022 йилдаги ПҚ-104-сонли қарори - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
8. “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2022 йилдаги ПФ-165-сонли Фармони - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
9. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги қонуни 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон. (янги таҳрири) - <https://www.lex.uz/acts/2006789>
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари - [stat.uz](http://stat.uz)
11. Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Кулматов. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари / Монография. -Т.: “Университети”, 2015.
12. Z. Jabboqova, (2019). Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолининг иш билан бандлигини ошириш. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (5), 111–116. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11120](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11120)
13. Sharipov, B. (2020). Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини статистик баҳолаш усуллари. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (1), 211–218. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11282](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11282)
14. Б. Байхонов, У.Отажанов, О.Турғунов Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимлаш. ТДИУ 90 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман мақолалари тўплами. “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, рақобатдош саноат занжирларини яртиш ва инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари”. Том 2 – Т.: “Iqtisodiyot” – 2021, 54-57 бб. - <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1139>
15. B.T. Baikhonov, U.A. Otajanov Analysis of the small business development and private entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan. *Asian journal of research in business economics and management*. Delhi, India Vol. 11, Issue 11, November 2021. <https://aijsh.com/wp-content/uploads/2021/12/11.13-Complete-AJRBEM.pdf>
16. U.A. Otajanov, S.A. Sattorov. Improving strategies for preventing uneven socio-economic development of areas. *International Conference on Developments in Education*. Delhi, India. 21st August 2022. 23-29 pp. <https://www.econferencezone.org>
17. U.A. Otajanov, Improving the methods of assessing the socio-economic potential of the regions of the Republic of Uzbekistan on the basis of intellectual mathematical models. *Journal*





of Economics, Finance and Management Studies. USA. Volume 4 Issue 12 December 2021, Page No. 2403-2414. <https://ijefm.co.in/v4i12/Doc/1.pdf>

18. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1.– М.: Ось, 1977. – 480 с.
19. Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Экономика, 1948. – С. 238-241.
20. Фон Дер Леппе. Экономическое статистика. Германия, Штутгарт, 1995. – 650 с.
21. Рикардо Д. Классика экономической мысли. – М.: 2000. – 896 с.
22. Роулс Дж. Идея блага и приорет права. М.: 1998.-243 с.
23. Петти У. Экономические и статистические работы. М.: 1940 й. 156 с.
24. О.В.Воронкова. Current Trends in the Development of Small and Medium-Sized Enterprises and Individual Entrepreneurship in the Russian Federatio.макола revistaespacios 11.05.2018.
25. Л.О.Рамашова Тенденции развития малого предпринимательства в России.//Знание. Пониманию Умение. 2011 г № 2 94-100 стр.
26. У.В. Петров, С.Г. Качаева. Стимулирование развития малого бизнеса и предпринимательства как основа обеспечения занятости молодежи// Наука и современность 2014 г. №1. 101-107 стр.
27. О.В.Киселева, С.В. Карцев Использование финансово кредитного механизма для активизации малого бизнеса и предпринимательства в России. //Интернет журнал "Науковедение" 2016 г. Том 8 №1.
28. О.И.Образцова. Статистика предприятий и бизнес–статистика // учебник -М: 2011г.
29. Я.Д.Ширяева Статистическая диагностика теневой экономической деятельности малых предприятий. //Дисс.на соиск. уч ст. канд. экон. наук. СПб., 2006/
30. С.С.Фуломов Тадбиркорлик ва кичик бизнес –Т.: Шарқ , 2002;
31. М.Р.Болтабоев, М.С.Қосимова, Ш.Ж.Эргашхожжаева, Б.К.Ғойибназаров, А.Н.Самадов, Ш.Отажонов Кичик бизнес ва тадбиркорлик –Т.: Иқтисодиёт, 2012.
32. Х.Хамроев Тадбиркорлик асослари –Т.: Янги нашр, 2010;
33. Э.Эгамбердиев, Ҳ.Хўжакулов Кичик бизнес ва тадбиркорлик –Т.: Маънавият, 2003.
34. В России сократилось число малых и средних предприятий. - <https://www.vedomosti.ru/business/articles/2020/08/11/836350-v-rossii-sokratilos-chislo-malih-predpriyatii>.
35. Вера Александровна Баринова, Степан Петрович Земцов Международный сравнительный анализ роли малых и средних предприятий в национальной экономике: статистическое исследование. // Международная статистика. June 2019 DOI: 10.34023/2313-6383-2019-26-6-00-00.
36. Вирусные вызовы: каким стал 2020 год для мировой экономики. - <https://russian.rt.com/business/article/816217-mirovaya-ekonomika-itogi-2020>
37. Экономика малых дел. - <https://plus.rbc.ru/specials/malyj-i-srednij-biznes-gospodderzhka-predprinimatelstva-v-rossii>.
38. Commission, E. Entrepreneurship and Small and Medium Enterprises (SMEs). Available online: [https://ec.europa.eu/growth/smes\\_en](https://ec.europa.eu/growth/smes_en) (accessed August 12, 2019).
39. Абдибеков С.У., Беделбаева А.Е. Мировые тенденции развития предпринимательской деятельности в экономике зарубежных стран. // Вестник КазНУ. Bulletin. Economics series. №2/1 (108). 2015УДК 353.8